

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
КРЕДИТ-ИҚТИСОД ФАКУЛЬТЕТИ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРДА БОЗОР РИСКНИ БАҲОЛАШ ВА ТАРТИБГА
СОЛИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

КУРС ИШИ

Илмий раҳбар: к.ўқ. Мажидов Ж.

Бажарди: Жураев М. ИКБИ-72

ТОШКЕНТ-2015

Режа:

Кириш

- 1. Риск, унинг моҳияти ва банк фаолиятига бозор рискнинг таъсири.*
- 2. Банк рискларининг турлари ва уларнинг тавсифи*
- 3. Активлар билан боғлиқ рисклар ва уларни бошқариш*
- 4. Ўзбекистон тижорат банкларида рисклар ва уларни камайтириш йўллари.*

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигидан сўнг, ўтган қисқа вақт мобайнида банк соҳаси ривожланиши учун катта имкониятлар яратилди, тижорат банкларининг фаолияти ушбу қисқа даврда кутилгандан ҳам унумлироқ тарзда такомиллашди. Тижорат банкларининг такомиллашишининг асосий сабабларидан бири, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалигидаги иштироки салмоғи ошиб, халқаро иқтисодий муносабатлар кўлами кенгайиб бораётганидир. Бозор иқтисодиёти ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига кенг миқёсда кириб бораётган ҳозирги шароитда банк тизимига, ушбу тизимда бошқарув жараёнларини замонавий талаблар асосида такомиллаштиришга бўлган талаб янада кучаймоқда. Зеро, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам мамлакатимиз раҳбари молия-банк тизимидаги ислохотларга алоҳида тўхталиб, ушбу соҳада кўплаб низом ва меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш лозимлигини айтиб ўтган эдилар¹. Бу борада банкларнинг ўрни барчамизга маълум, лекин банк рисклари ва уларни бошқариш борасида амалга оширилаётган ишлар, банк рискларини ўрганиш уларни таҳлил қилиш ва баҳолаш бугунги кунда ҳар бир иқтисодчининг иқтидори ва билимига боғлиқ.

Республикамызда иқтисодий ислохотларни ўтказиш тубдан янгича ёндашувини, бунда сифат жиҳатидан янги вазифалар ҳамда шароитларни, амалий тажрибани ҳисобга олишни, асосан ўз кучига таянишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Бу туб ўзгаришлар мамлакатимизнинг иқтисодий соҳаларини ривожланишига кенг имкониятлар очмоқда. Бу жараёнларни янада мустаҳкамлаш республикамыз тижорат банкларининг рискларини тўғри баҳолаш ва самарали бошқариш ролини имконият даражасида оширишни тақозо этади.

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005й.

Айни вақтда, республикамизда тижорат банкларининг кредит рискларини бошқаришда хали ўз ечимини топмаган муаммолар талайгина. Масалан, республикамизнинг катор тижорат банкларида кредит портфелини диверсификациялаш талабига риоя этилмаётганлиги муаммоси шулар жумласидандир. Банк кредитларининг асосий қисми жойлаштирилган тармоқда фойда нормасининг пасайиши муддати ўтган кредитлар ҳажмининг кескин ўсишига олиб келади. Мамалакатимиздаги йирик тижорат банкларининг кредит портфели ва унинг таркиби таҳлил қилинганда шу нарса маълум бўлдики, аксарият тижорат банкларда кредитларнинг ярмидан ортиқ қисми битта тармоққа мансуб бўлган корхоналарда тўпланган. Бу эса, уларнинг кредит рискларини баҳолаш ва бошқариш тизими самарадорлиги даражасини паст эканлигидан далолат беради. Холбуки, бу кўрсаткич, халқаро банк амалиётида қабул қилинган андозалар бўйича, 30 фоиздан ошмаслиги зарур. Бу каби мисолларни бир нечтасини келтириб ўтиш мумкин.

Банк рисклари турларининг моҳиятини очиб бериш, уни олдини олиш орқали кутилаётган даромадларни максималлаштириш, ахборотларнинг моҳияти, интернет - трейдингдан фойдаланиш орқали савдо - сотиқни амалга ошириш масалалари тўла ёритилмаган.

1. Риск, унинг моҳияти ва банк фаолиятига бозор рискининг таъсири.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигидан сўнг ўтган вақт мобайнида банк соҳаси ривожланиши учун катта имкониятлар яратилди. Тижорат банкларининг фаолияти ушбу қисқа даврда кутилгандан ҳам унумлироқ тарзда такомиллашди. Тижорат банкларининг такомиллашишига сабаб, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалигидаги иштироки салмоғи ошиб, халқаро иқтисодий муносабатлар кўлами кенгайиб бораётганидир. Бу борада банкларнинг ўрни барчага маълум. Шу сабабли ҳозирги кунда банклар фаолиятида рискларни аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда камайтириш усуллари қўллаш тижорат банкларининг асосий вазифаларидан бирига айланди.

Ҳар қандай иқтисодий фаолият фойда олишга қаратилганидек тижорат банклари фаолиятида кўзланган натижа – бу биринчи навбатда фойда олишдир. У эса албатта риск билан боғлиқ бўлади. Риск тадбиркорлик фаолиятининг энг асосий элементларидан бири ҳисобланиб, у кенг маънога эга бўлган кўп қиррали тушунчадир. Шунинг учун банк фаолиятининг самарадорлигига эришиш, унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун иқтисодиётдаги мавжуд рисклар, уларнинг банк фаолиятига таъсир қилиш томонларини чуқур ўрганиб чиқиш зарур.

Иқтисодиёт фанининг назарияси ва амалиётида риск категориялари жуда юқори ўринни эгаллайди, бу категорияларни умумий назариясини яратиш ва уни амалий натижаларга татбиқ этиш фан оламида жуда кўп илмий изланишларни талаб қилади. Ҳозирги кунгача жаҳон олимлари томонидан фан оламига олиб кирилган жуда кўплаб риск тўғрисидаги тушунчалар уларни юзага келтирувчи омилларни олдини олиш, баҳолаш ва бошқариш усуллари ҳанузгача тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Бу эса рискни объектив ва субъектив жиҳатдан янада тўлиқроқ ўрганишни, уларни функциясини, қонун ва қоидаларини янада умумлаштиришни талаб қилади.

Рискни юзага келиш тарихини инсонни пайдо бўлиши билан боғлаш мумкин ёки инсон ҳаётини маълум бир қисми деб изоҳлаш мумкин. Рус олими А.П. Альгин рискни юзага келишини шундай изоҳлаб ўтади, “Риск-шундай умумлашган ҳодисаки у инсон цивилизация жараёнини ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир”-дейди.² Бу жумла кўпгина мунозарали кўринсада, аммо ҳақиқатдан тўғри ёндошадиган бўлсак ҳаётини томонлама энг содда йўл билан асослаб берилган. Рискни назарий жиҳатдан содир бўлиш жараёнини аниқлаш жуда мураккаб, чунки бу жараён биринчидан, риск тўғрисидаги тушунчалар умумлаштирилаётган бўлса, иккинчидан рискни алоҳида ўрганиш бўйича илмий изланишлар жуда кам. Бу эса риск назариясини иқтисодий назарияни ёки бошқа фанларни маълум бир қисми, бўлими сифатида эмас, балки алоҳида бир “риск-назарияси” фани сифатида ўқитиш, ўрганиш лозим бўлади.

Рискларни иқтисодий категория ва субъект сифатида юзага келишида иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши муҳим рол ўйнайди. Риск тушунчаси кўп қиррали сўзлар билан умумлашган бўлиб, ҳар бир жумла орқали ёритилган маълум бир йўналишларини белгилаб берган. Бу эса рискни талқин этишда турлича изоҳларни келтириб чиқарган. Рискни талқин қилиш синонимини яратиш ҳар хил адабиётларда турлича изоҳланади. “Риск” сўзи испанча-португалча сўздан олинган бўлиб “сув остидаги қоя” деган маънони билдиради. Таниқли луғатшунос С. Н. Ожеговнинг рус тили луғатида “риск” бу “муваффақиятга интилиш, бахтли ҳодисадан умид” деган маънони англатади дейилса, машҳур Вебстера луғатида рискка “ҳавф, зарар ёки талофат кўриш эҳтимоли” деб қаралган. В.Т. Севрук “риск-бу ҳол, бир ишлаб чиқарувчининг ситуатив ҳолати” деган таъриф берган бўлса³, рус олими А.Ольшанный “риск-бу зарар кўриш ёки манфаатни қўлдан чиқариш билан боғлиқ эҳтимоллар ўлчамидир” деган таъриф беради⁴. Профессор В.М. Усоскин “Риск доимо ноаниқлик бирга келиб, охириги ўз навбатида олдиндан

² Альгин А.П. Риск и его роль в общественной жизни, - М.Мқслъ 1989, 188 б

³ Севрук В.Т. Банковские риски М7 дело 1995, 3 б

⁴ Ольшанный А.И. «Банковские кредитование» М, РДЛ 1997

кўра билиш ёки мумкин бўлмаган воқеалар билан боғлиқ бўлади”⁵ деб изоҳлайди. Е.С. Стоянова “Риск бу режалаштирилган вариантга нисбатан даромад ола олмаслик ёки зарар кўриш эҳтимолидир”⁶ деб таъриф келтиради.

Рискларни моҳиятини очиб беришда уларни ҳар хил синонимлар билан қўллаганда асосий маъносини таҳлил этишда проф. Ш. З. Абдуллаеванинг ишида “Риск хато, иккиланиш, ноаниқлик, мавҳумлик ва ҳоказалар деб таъриф бериш халқаро амалиётга мос келмаслиги ва шу ҳолатга яқинлашган ҳолда “риск”, “банк rischi”, “кредит rischi” деб юритсак мақсадга мувофиқ” деб ҳисобланади.⁷ Ҳар бир фаолиятни амалга оширишда иккиланиш ёки хавф-хатар бўлиши мумкин.

Рус олимларидан Е. Ф. Жукова, С. И. Лукаш ва М. Глария рискни хавф, йўқотиш деб изоҳлашга ҳаракат қилганлар. М. Глария риск тушунчасини янада мураккаб кўринишда асослашга ҳаракат қилган. Унинг фикрича риск - бу инвесторни пул топиши ёки пулини йўқотиши билан боғлиқ бўлган тушунча деб изоҳлайди. Кўп олимлар рискни “йўқотиш эҳтимоллиги» деб айтиб ўтадилар. Масалан, Я. С. Мелкумов рискни “молиявий операциялардан ёмон ҳолатларни келиб чиқиш эҳтимоллигидир” деб таъкидласа, В. А. Челноков тижорат банклари операциялари билан боғланган ҳолда “активлар айланмасининг йўқотиш эҳтимоллиги” деб изоҳлайди. Г. Б. Полякова риск - бу кўзланган даромад, фойдадан юзага келиши мумкин бўлган йўқотишни эҳтимоллигидир деб- таъкидлаб ўтади. Полина Михайлова риск - бу кутилмаган ҳолатларда юзага келадиган ҳодиса бўлиб, кўп ҳолларда активларни баҳолашда ёки даромад фоизини ҳисоблаш ҳолатларида намоён бўлиши мумкин деб изоҳлайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида фойдалилик банк фаолиятининг энг муҳим омилига айланди. Замонавий банк тизимини рисксиз тасаввур қилиб бўлмайди. Банкнинг рисксиз операциялари йўқ, унинг барча операциялари риск билан боғлиқ бўлиб, уларнинг даражаси операция турига қараб ҳар хил

⁵ Усоскин В.М. Современный коммерческий банк М. 1994

⁶ Стоянова Е.С. Финансовый менеджмент. М. 1993

⁷ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш. Т, «Молия», 2002

бўлиши мумкин. Фойдага интилиш жараёнида эса банклар маблағларни рисклилигини кам эътиборга олиб, энг даромадли операцияларга кўймоқдалар. Бозор муносабатларини ривожланиши баъзи бир барқарор бўлмаган ҳолатлар билан боғлиқ, бу эса банк рискларининг тўла йиғмасини вужудга келтиради. Рискларни юзага келиши ва таҳлили унинг манбаларини ва сабабларини аниқлашдан бошланади. Шунингдек, бўлиши мумкин бўлган йўқотишлар ва манфаатларни солиштириш зарур. Ҳисоб-китоблар билан асосланмаган риск (оқилона муносабатда олди олинishi мумкин бўлган) доимо зарар кўриш ёки харажатларга олиб келади.

Банк амалиётида риск ресурсларни бир қисмини йўқотиш ҳавфини, маълум бир молиявий операцияларни амалга ошириш натижасида қўшимча харажатлар қилинишини англатади.

Тижорат банклари иқтисодиётнинг етакчи бўғини ва иқтисодий ислохотларнинг локомотиви сифатида тан олинар экан, тижорат банклари ўз фаолиятлари билан боғлиқ рискларни бошқа хўжалик субъектларига нисбатан кўпроқ ва чуқурроқ ўрганишлари мақсадга мувофиқ. Чунки тижорат банклари ўз фаолияти билан бир томондан, ўз акциядорлари олдида жавобгар бўлсалар, иккинчи томондан, ўз маблағларини ишониб топширган ва банк хизматларидан фойдаланаётган мижозлар олдида жавобгарликка эгадирлар.

Банк фаолиятида рискларнинг юзага келишининг қуйидаги сабаблари мавжуд:

- бозорни яхши ўрганмаслик;
- ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш соҳасида маълумотларнинг нотўғрилиги ёки етарли эмаслиги;
- кредитланадиган лойиҳа, объект ва мижозлар тўғрисида, уларнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг нотўғрилиги ёки тўлиқ эмаслиги;
- тармоқлар ёки соҳалар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларининг инобатга олинмаганлиги;

- субъектлар ёки мижозларнинг онги, савияси маблағлардан фойдаланиш бўйича билим ва мақсадларининг турли хиллиги ва бошқалар.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, банк rischi — банк фаолиятини амалга ошириш жараёнида банк маблағларининг бир қисмини йўқотиш, ёки даромад оломаслик шароитида ижобий натижага умид қилиб, банк операцияларини (депозит, кредит, инвестиция, валюта) ўтказишдир, деган таърифни келтириш мумкин.

Ҳозирги кунда банк соҳасида турли хил операцияларни амалга ошириш жараёнида банк ўзига олувчи riskларни бошқариш ва уларни тўғри баҳолашнинг моҳияти ошиб бормоқда.

Банк riskини бошқариш тизими riskни юзага келишини олдиндан прогноз қилиш, risk туфайли юзага келадиган ҳолатларга йўл қўймаслик ёки уларнинг таъсирини камайтириш борасида чора-тадбирлар, усуллар йиғиндисини ўз ичига олади.

Тижорат банклари riskларни минималлаштиришга қаратилган risk стратегиясини ишлаб чиқиш орқали эришиш мумкин. Бунинг учун эса банк фаолиятини чуқур билиш, банк бажарадиган операцияларнинг самарадорлигини аниқлай олиш, банкнинг кредит, инвестиция, валюта сиёсати ва бошқа фаолият турлари бўйича оптимал қарорлар қилишга эришиш, мижозларнинг хўжалик фаолияти ва уларнинг молиявий аҳволи, тармоқлар фаолиятининг хусусиятлари ва бошқаларни билиш лозим.


Банк фаолиятида riskларни бошқариш risk-менеджменти деб аталади. Банкнинг асосий вазифаси бу:

- risk пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳолатларни кўра билиш;
- зарар кўрилиши тахмин қилаётган масштабларни баҳолаш;
- йўқотишларни қоплаш учун манбаларни аниқлаш;
- riskни олдини олиш йўллари қидириш;
- банкнинг riskли операцияларининг қўшимча даромад олишга таъсирини аниқлаш.

Шуни эсда тутиш керакки, ҳеч қандай рискни бутунлай бартараф қилиб бўлмайди. Шунингдек, банк фаолияти фоиз ставкалари ва валюта курсини ўзгаришида “Риск-даромад” ўйини кўзда тутди. Шу билан биргаликда банк қанчалик катта даражадаги рискни ўзига олса, фойда банк ҳисобга олган даражада катта бўлиши керак. Банкнинг вазифаси – ўз операцияларининг рисклилиги ва фойдалилигини ўзаро оптимал нисбатига эришиш. Риск ва даромад ўртасидаги ўзаро муносабат 1-расмда кўрсатилган.

1-расм

Риск ва даромад ўртасидагининг ўзаро муносабат⁸



Бу ерда:

E_r – режалаштирилаётган фойда миқдори, %;

E_{r0} – риск бўлмаслик ҳолатида инвестор режалаштираётган фойда миқдори.

Агар риск етарли даражада катта бўлса, тахмин қилинаётган даромад катта бўлиши керак. 1-расмда кўрсатилган эгри чизик эътиборсизлик чизигидир. Даромадлар миқдорини ўсиши қўшимча рискни қоплаши керак деган далилни ушбу чизик характерлайди. Эгри чизик риск даражаси нолга

⁸ Батракова Л.Г. “Анализ процентной политики коммерческого банка”, Москва “Логос”, 2002г.

тенг бўлганда ҳам инвестор олиши мумкин бўлган фойданинг миқдорини кўрсатади.

Банкнинг riskли операцияларининг қўшимча даромад олишга таъсирини қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$K_d = BF \frac{H}{100},$$

Бу ерда:

K_d – riskли операцияларни амалга ошириш ҳисобига олинган қўшимча даромад;

BF – баланс фойдаси;

H – банк бўйича riskни йўл қўйилиши мумкин бўлган даражаси, у қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$H = \frac{P_1 + P + \dots + P_i + P_n}{K_p} EK_k,$$

Бу ерда:

P_i – risk турлари, $i=(1,n)$; K_k – берилган операция бўйича кредит қўйилмаларининг суммаси, K_p -мижозларни таркиби ва кредитга лаёқатлилигини корректор коэффиценти; E – riskни ташқи омилларининг ҳаракатини инобатга оладиган корректор коэффицент;

Riskни оптимал даражасига эришмаганлиги сабабли банкнинг йўқотишлари суммасини ушбу кўрсаткич орқали ҳисоблаш мумкин. Бунинг учун банк бўйича risk фоизининг критериял даражага келтирилган фойда суммасидан risk фоизини ҳақиқий даражага келтирилган фойдани айириш зарур:

$$D_u = \left(BF \cdot \frac{H_k}{100} \right) - \left(BF \cdot \frac{H_\phi}{100} \right),$$

Дй – банкнинг рискли операцияларининг қисқариши туфайли кўрилган йўқотишлар;

H_k – банк бўйича риск фоизини критериял даражаси;

H_ϕ – банк бўйича риск фоизини ҳақиқий даражаси

Банк рискинни оптимал даражадаги катталигига эришиш катта миқдордаги даромадни топишга олиб келади. Рискни йўл қўйилиши мумкин бўлган даражасининг ошиши банкнинг банкротлик ҳолатига олиб келиши мумкин.

Агар йўқотишларни иқтисодий категориясини ишлатадиган бўлсак, рискни миқдор (сон) жиҳатдан тасвирлаш мумкин. Риск маълум бир операцияларни амалга оширишда кўрилиши мумкин бўлган йўқотишлар миқдорини кўрсатади. Бироқ ушбу йўқотишларни етарли даражадаги аниқликда баҳолаш имконияти ҳар доим ҳам бўлавермайди.

Агар кўрилиши мумкин бўлган зарарлар миқдорини банк фаолиятини характерловчи қандайдир бир кўрсаткичга, масалан, кредит ресурслари миқдори, харажатлар миқдори ёки аниқ бир операцияни амалга ошириш билан боғлиқ банк даромадлари миқдорига тегишли десак, у ҳолда рискнинг нисбий кўринишдаги катталиги ҳосил бўлади.

Банк рискларининг барча омилларини ҳисоблаш мумкин эмас, шунинг учун баҳолаш аниқ йўл қўйилганлар асосида аниқланади ва натижа унга яқинлаштирилган бўлади. Рискни баҳолаш асосини аниқ миқдордаги банк йўқотишлари ва уларни пайдо бўлиш эҳтимоллари ўртасидаги алоқадорликни топиш ташкил этади. Ушбу алоқадорлик махсус ясалган, маълум бир даражадаги йўқотишларнинг пайдо бўлиш эҳтимоллар эгри чизиғида ўз аксини топади. Уни ҳосил қилиш учун турли хил усуллар қўлланилади: статистик, эксперт баҳолаш, ҳисоб-таҳлил усуллар.

Статистик усулнинг моҳияти шундан иборатки, бунда йўқотишлар пайдо бўлишининг эҳтимолларини ҳисоблаш учун кўрилатган операцияларнинг банк томонидан амалга ошириш натижавийлигига тааллуқли барча статистик маълумотларни таҳлил қилинади. Бунда, ҳисобларни

аниқлигини ошириш учун нисбатан катта статистик танловдан фойдаланилади. Йўқотишларни пайдо бўлишнинг частотаси қуйидаги формула билан аниқланади:

$$P(x) = \frac{m}{n},$$

Бу ерда m -аниқ (конкрет) даражадаги йўқотишлар содир бўлиши ҳолатларининг сони;

n – танловдаги ҳолатларнинг умумий сони.

Эҳтимол бу воқеа содир бўлиши имконияти даражасининг миқдорий кўрсаткичидир. Ҳар қандай йўқотишнинг эҳтимоли доимо натижанинг қатъий бўлган аниқ миқдори билан солиштирилади. Рискли ҳолатлар эҳтимолларни тақсимлаш билан характерланади ва бу кутилаётган даромаддан четга чиқиш эҳтимолини аниқлаш имкониятини беради. Эҳтимолларни тақсимлаш қабул қилинган қарорлар натижасида юзага келган барча ҳолатларни ва ушбу тақсимотга мос равишда эҳтимолларнинг аниқ қийматини ифодалайди.

Миқдор ва фоиз ставкалари келгуси даромадларни прогноз қилишда асос бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун камида 3 вариантда ҳисоб-китоб қилиш мақсадга мувофиқдир: эҳтимоли энг катта бўлган – базавий, пессимистик – энг ёмон, оптимистик – энг яхши. Ушбу ёндашув вариантлар таҳлили деб номланади. Воқеаларнинг ривожланиш вариантлари ҳақиқатда кўп бўлганлиги учун маълумотларни кўрсатиш “қарорлар дарахти” кўринишида қабул қилинган. Маълум даврнинг якуний ҳолати чўққига (юқори даража) тўғри келади, дарахтнинг шохлари эса – воқеа келишини эҳтимолидир. Ҳар бир ҳолатни ривожланиш эҳтимоли даромадларни ўзгаришига олиб келишини ифодалайди, бу эса рискли эканлигини кўрсатади.

2. Банк рискларининг турлари ва уларнинг тавсифи.

Рискларни моҳиятини чуқур тушуниб етиш учун аввалам бор, риск турларини атрофлича ўрганиб чиқиш зарур. Чунки банклар ўз фаолияти жараёнида бир-бири билан содир бўлиши вақти, жойлашиши, ички ёки ташқи омилларнинг таъсир қилиш даражасига ва таҳлил қилиш усуллари билан фарқланувчи турли хил рискларга дуч келадилар. Бундан ташқари, рискларнинг барча турлари ўзаро боғлиқ ҳолда банклар фаолиятига таъсир кўрсатади. Рискнинг бир турини ўзгариши қолган рискларнинг деярли барчасига ўз таъсирини кўрсатади. Бу ҳолат рискларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва рискнинг аниқ бир турларини таҳлил қилиш, уларни юзага келиш сабабларини аниқлашни қийинлаштиради.

Рискларни бошқаришни ташкил қилиш самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг таснифланишига боғлиқ. Рискларнинг таснифланиши дейилганда рискларни аниқ бир гуруҳларга қўйилган мақсадларга эришиш учун маълум бир белгилар орқали бўлиниши тушунилади. Рискларнинг илмий асосланган таснифланиши уларнинг умумий тизимида ҳар бир рискнинг ўрнини аниқ ифодалашни кўрсатади. Рискларни таснифлаш уларни бошқариш бўйича тегишли усуллар ва чоралар қўлланилиши имкониятини яратади. Замонавий иқтисодий адабиётларда банк рискларини таҳлил мақсадлари ва бошқариш бўйича бир неча таснифланишлари мавжуд.

Банклар фаолиятидаги рисклар устидан ички назоратни ташкил қилиш бўйича Россия Банкнинг кўрсатмасида банк рискларининг йигирмадан ортиқ турлари мавжуд. А. Н. Азрилян таҳрири остидаги катта иқтисодий луғат 9 та ўзига хос банк рисклари билан бир қаторда банк фаолиятига алоқадор бўлиши мумкин бўлган рискларнинг 70 турини ўз ичига олар экан.

Маълумки, ҳозирги вақтда банк рисклари тизимини ташкил қилишда ўзбек ва хорижий тадиқотчиларнинг асосий ҳужжати бўлиб банк тизимини назорат қилиш бўйича Базель Қўмитасининг Консультатив хати ҳисобланади.

Базель Қўмитаси томонидан тақдим этилган рўйхатда рискларнинг 9 та тури мавжуд:

- 1) кредит rischi; 2) операцион риск; 3) ҳуқуқий риск; 4) суғурта rischi;
- 5) трансферт rischi; 6) бозор rischi; 7) фоиз rischi; 8) ликвидлик риск ;
- 9) репутация rischi.

Бу рисклар шунингдек Ўзбекистон Республикаси банклари менежерлари учун Прагма корпорацияси томонидан ишлаб чиқилган тавсияномада ҳам асосийлари ҳисобланади.

Чет эллик олимлар ҳам рискларни таърифлашдан кўра уларнинг алоҳида олинган турларини кўришни афзал ҳисоблайдилар.

Масалан, К. Д. Валравеннинг фикрича Ғарб мамлакатлари банклари кўпроқ ликвидлик rischi, кредит, портфель, саноат, мамлакат, валюта, фоиз rischiга дучор бўладилар. «Банковский менеджмент» китоби муаллифи П. С. Роуз рискларга кенгроқ тушунча бериб, у банк rischi олтита асосий турдаги риск - кредит rischi, фойда ололмаслик rischi, ликвидлик rischi, бозор rischi, фоиз rischi, тўлай олмаслик riskидан ташкил топган бўлиб, бу рисклар банк фаолиятида жуда муҳим, ҳал қилувчи рисклар ҳисобланади, дейди.

Ўзбекистон иқтисодчи олимларидан эса Ш.З. Абдуллаева банк riskларини қуйидаги белгилар бўйича таснифлаган:

- Пайдо бўлиш сабаблари ва таъсир қилиш характери бўйича;
- Намоён бўлиш шакллари;
- Бошқариш имконияти қараб рискларни бўлиб чиқиш;
- Ҳисоблаш усулига қараб рискларни ажратиш;
- Юзага келиш ва таъсир вақтига қараб рискларни таснифлаш ва бошқалар.

Рискларнинг турлари ва таснифланиши⁹.



Барча банк рискларини вужудга келиш соҳаси бўйича 2 турга ажратиш мумкин:

1)Ташқи рисклар.

2)Ички рисклар.

Ташқи рисклар – бу бевосита банк фаолияти ва унинг мижозлари билан боғлиқ бўлмаган рисклардир. Улар макромухит даражасида юзага келади. Ташқи рисклар даражасига кўпгина факторлар – сиёсий, иқтисодий, жўғрофий, демографик ва бошқалар таъсир этади. Улар орасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва табиий–иқлим рискларини алоҳида кўрсатиш зарур.Сиёсий рисклар мамлакатдаги сиёсий вазият ва давлатнинг фаолияти билан боғлиқ. У урушлар, революция, миллийлаштириш, четга тўловларни

⁹ Чизма муаллиф томонидан тайёрланди.

тахқиқлаш, қарзларни консолидациялаш, эмбарго жорий қилиш, импортга лицензияни бекор қилиш, табиий офатлар натижасида юзага келадиган йўқотишларни ўзига жамлайди. Ташқи рискларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар банк фаолияти натижаларига ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир кўрсатиши мумкин. Бу банк олдида пул мажбуриятларига эга бўлган хўжалик субъектларининг ушбу рискка алоқадорлиги ва муносабатига боғлиқ.

Иқтисодий рисклар мамлакатдаги умумий иқтисодий вазиятдан келиб чиқади. Тузилиш белгиларига кўра иқтисодий рисклар мулкӣ, тармоқ ва молиявий рискларга бўлинади.

Мулкӣ рисклар ўғрилиқ, диверсия, террорчилик ҳаракати, экологик танглиқ ва бошқа сабабларга кўра мулкни йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ.

Тармоқ рисклари иқтисодиёт тармоқларидаги аҳволнинг ўзгарувчанлиги туфайли юзага келади.

Молиявий рисклар пулнинг харид қуввати ўзгариши натижасида пул маблағларини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ. Унга пулнинг қадрсизланиши ва дефляция рисклари киради.

Табиӣ–иқлим рисклари табиӣ офат ва ҳалокатлар, зилзила, сув тошқини, бўрон, ёнғин, эпидемия, одамларнинг ноўрин фаолияти натижасида экологик мувозанатнинг бузилиши ва бошқаларга боғлиқ.

Қамраб олиш кўламига кўра ташқи рискларни халқаро, мамлакат, ҳудуд ва минтақа рискларига ажратиб кўрсатиш мумкин.

Халқаро риск деганда глобал муаммолар билан боғлиқ, Ер шарининг маълум бир минтақаларини қамраб олувчи рискни тушуниш лозим.

Мамлакат rischi, халқаро банк амалиётида ва банк ташкилотлари, қўшма банклар фаолиятида пул оқими, кредит ва ҳисоб операциялари соҳасида бўлган рисклар билан бевосита боғлиқ. Бу рискларнинг бўлиши ва уларнинг даражаси эса импортёр ёки экспортёр давлатлар ёки контрагент мамлакатларидаги сиёсий, иқтисодий барқарорлигига боғлиқ. Чет эл капитали иштирокидаги банклар ва Бош лицензияга эга бўлган банк ташкилотлари учун шу мамлакатдаги риск даражасини баҳолай олиш долзарб масаладир. Банк

амалиётида банк раҳбарияти томонидан чет эл контрагентларининг молиявий барқарорлигига нотўғри баҳо бериш натижасида анча хатоларга йўл қўйилади. Шунинг учун бирор давлат билан узвий иқтисодий алоқани ўрнатишда, айнича кредит ва ҳисоб–китоблар билан боғлиқ муносабатларни олиб боришда, ундаги иқтисодий–сиёсий барқарорликни таҳлил қилиб риск даражасини аниқлаш зарур.

Мамлакат рискинни конвертрланган рисклар, трансферт рисклари ёки маратория тўловлари бўйича рискларга туркумлаш мумкин. Уни ҳисоблашда Германиянинг БЕРИ фирмаси томонидан ишлаб чиқиладиган БЕРИ индексидан фойдаланиш мумкин. Ушбу индекс экспертчилар гуруҳи фаолиятининг натижаларига асосида кетириб чиқарилади. Ушбу экспертчилар гуруҳи 1 йилда 4 марта турли давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳолатларини таҳлил қиладилар. Улар 15 та баҳоловчи критерийлар асосида таҳлил қиладилар ва ҳар бир мамлакат бўйича баллар йиғилади. Қайси мамлакатда тўпланган баллар миқдори юқори бўлса, у ҳолда у давлатнинг мамлакат rischi даражаси паст бўлади.

Мамлакатлар рискинни баҳолашда асосий кўрсаткичлар сифатида қуйидаги кўрсаткичларни таҳлил қилиш лозим:

– иқтисодиётнинг самарадорлиги (бунда давлат бўйича ялпи миллий маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиши ҳиобланади);

– сиёсий риск даражаси;

– жаҳон банки маълумотлари асосида олинган кредитлар миқдори, улар бўйича қарздорлик даражаси, кредитни қайтиб тўлаш жараёнинг амалга оширилиш сифати, экспорт ҳажми, ташқи қарзлар, ташқи савдо обороти ва бошқалар;

– банк кредитларини олиш имконияти;

– қисқа муддатли кредитлаш имконияти;

– узоқ муддатли кредитлаш имконияти;

– форс–мажор ҳолатларнинг юзага келиши;

– мамлакатнинг кредитга лаёқатлилиқ даражаси;

– ташқи қарзлар бўйича тўланмаган мажбуриятлар ва бошқалар.

Ички рисклар – бу банкнинг ўзининг, мижозларининг ва контрагентларининг фаолияти натижасида юзага келадиган рисклардир. Шунингдек, алоҳида олинган банк фаолиятига сезиларли таъсир қилувчи рисклар ички рисклардир. Ички рисклар даражасига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

– банк раҳбариятининг тадбиркорлик фаоллиги;

– банкнинг стратегия ва тактикасини тўғри танлаши ва бошқалар.

Ички рисклар банк турлари, мижозларининг таркиби ва банк операцияларининг хусусияти бўйича гуруҳларга бўлинади.

Банкнинг турлари билан боғлиқ рисклар. Тижорат банкларининг 3 тури мавжуд: тармоқ, ихтисослашган ва универсал. Универсал тижорат банклари барча турдаги банк хизматлари(кредит, ҳисоб–китоб, молия)ни кўрсатадилар ва лизинг факторинг, клиринг, қимматбаҳо қоғозлар билан операциялар ҳамда бошқа операцияларни амалга ошираётганликлари сабабли банк рискларининг барча турларига учрайдилар.

Ихтисослашган тижорат банклари асосан қандайдир аниқ хизмат турларини кўрсатиш асосида фаолият юритади. Уларга мисол қилиб, инновация, инвестиция, ипотека, депозит, клиринг ва бошқа банкларни келтириш мумкин. Бошқа банклар эса тармоқлар (қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш) бўйича ёки функционал (биржа, суғурта, траст, коммунал) белгилари бўйича фаолият юритувчи мижозларга хизмат кўрсатишга ихтисослашади. Шунинг учун улар учрайдиган рисклар асосан, мижозларининг фаолиятида учрайдиган иқтисодий рискларга боғлиқ бўлади.

Бирор тармоққа хизмат кўрсатувчи банкларда риск даражасига аниқ бир тармоқнинг тури ёки хусусияти (янги ёки эски, истиқболли, стратегик ва бошқалар) таъсир кўрсатади.

Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритувчи банklar ҳажми бўйича минтақавий, минтақалараро ва трансмиллий бўлиши мумкин. Буларнинг ҳар бирида банк рискларининг барча турлари мавжуд бўлади,

лекин уларнинг пайдо бўлиш частотасининг эҳтимоли банкнинг турига, яъни мулкчилик шаклига, қайси тармоққа қарашлигига ҳамда ҳажмига боғлиқдир.

Банк мижозларининг таркиби бўйича рисклар тармоқли риск, мулкчилик шакли бўйича риск ва ҳажми бўйича рискларга ажратилади.

Банк операцияларининг хусусиятига кўра рисклар:

- баланс операциялари rischi;
- балансдан ташқари операциялар rischi;
- молиявий хизматларни амалга ошириш билан боғлиқ рискларга

бўлинади.

Ўз навбатида баланс операциялари riskлари банкнинг актив операциялар rischi, банкнинг пассив операциялар rischi активлар ва пассивларни бошқариш сифати билан боғлиқ riskка бўлинади .

Актив операциялар rischi фоиз riskининг даражаси билан боғлиқ бўлиб, банклар ўз фаолиятлари давомида ушбу риск турига доимо дуч келадилар. Фоиз riskини бошқариш эса бевосита активларни бошқариш (кредит ва инвестициялар) ва пассивлар (жалб қилинган маблағлар)ни бошқаришдан ташкил топади. Активларни бошқариш банкнинг ликвидлилик даражаси, шунингдек баҳоли ва баҳосиз рақобатнинг даражасига боғлиқдир. Пассивларни бошқариш эса ссуда бериш учун маблағларнинг етарли бўлишига боғлиқ. Актив ва пассивлар ўртасидаги муносабатни бошқариш эса банкнинг даромадлилигига ва ишончлилигига боғлиқ.

Актив операциялар riskига кредит, ҳисоб–китоб, касса, бозор, валюта, лизинг, факторинг riskлари, молиялаш ва инвестициялар билан боғлиқ riskлар киради. Кредит riskлари мижоз томонидан асосий қарз суммасини ва кредит бўйича фоизларни тўлай олмаслик эҳтимоли бўлганда юзага келади. Ҳисоб–китоб riskлари банкнинг келишилган шартнома бўйича мижознинг талабига асосан, ҳисоб–китобларни ўз вақтида ўтказиш олимаслиги шароитида юзага келади. Касса riskлари банк кассаси орқали ўтувчи нақд пуллари билан сақланиши билан боғлиқ ҳавфли ҳолатлардан келиб чиқади.

Бозор rischi фоиз ставкаларининг барқарор эмаслиги оқибатида молиявий активларнинг бозор қийматининг ўзгариши сабабли банкнинг актив операцияларидан келувчи даромадни ўзгариши эҳтимоли туфайли юзага келади. Валюта rischi валюта алмаштириш курсининг ўзгариши натижасида чет эл валютасида олиб бориладиган операциялар бўйича йўқотишлар ёки юқори фойда олиш эҳтимолини ифодалайди.

Лизинг операциялари бўйича риск ижарачининг банкдан олган мулкидан фойдалана олмаслиги натижасида шартномада кўрсатилган тўловни ўз вақтида амалга ошира олмаслиги натижасида юзага келади.

Факторинг операциялар бўйича рисклар банкнинг учинчи шахсдан сотиб олган қарздорнинг мажбуриятлари бўйича тўловни ўз вақтида амалга ошира олмаслик шароитида юзага келади. Инвестиция рисклари банк соти олган қимматли қоғозлар бўйича оладиган даромадларининг тушиб кетиши ёки уни ошириш билан боғлиқ рисклардир.

Тижорат банклари фаолиятида портфел рискларига ҳам эътибор бериш лозим. Портфел рисклари қимматли қоғозларнинг алоҳида турлари ҳамда ссудаларнинг барча категориялари бўйича зарар кўриш эҳтимоли билан белгиланади. Портфел рисклари молиявий, ликвидлик, тизимли ва тизимсиз рискларга бўлинади. Молиявий рисклар қуйидагича аниқланиши мумкин: банклар, акциядорлик жамиятлари, корхоналар, шунингдек қўшма банкларнинг жалб қилинган маблағлари қанча кўп бўлса, уларнинг акциядорлари ва таъсисчилари учун риск шу даражада юқори бўлади. Шу билан биргаликда, жалб қилинган маблағлар молиялаштиришнинг муҳим ва фойда келтирувчи манбаларидир, чунки қимматли қоғозларни чиқариш кўпинча сотишга нисбатан арзонроққа тушади. Қабул қилинган меъёрларга асосан, қарздор учун ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ўртасидаги нисбат, яъни қарздорлик коэффициентини (K_k) 0.2–0.3 ўртасида бўлиши зарур. Молиявий riskни қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$ROE=ROA*EM;$$

Бу ерда: ROA – активларнинг ишлатилиши, яъни банкнинг барча активларини ишлатишнинг самарадорлик даражаси;

ROE – акциядорлик капиталидан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси;

ЕМ – банкнинг молиявий мустақиллик коэффициенти ва ушбу коэффициент 0.5 дан катта бўлиши керак.

Ликвидлик rischi – бу молиявий активларни тезкор равишда нақдга айлантира олиш қобилиятидир. Марказий биржаларда акциялари муомалада бўлган йирик ва таниқли ишлаб чиқарувчи ва банклар учун ушбу турдаги riskка учраш эҳтимоли унчалик катта эмас. Лекин янги ташкил этилган, кичик корхоналар эса ушбу турдаги riskка учраш эҳтимоли катта.

Тизимли risk акция баҳосининг ўзгаришига, унинг даромадлигига, облигациялар бўйича жорий ва кутилаётган фоиз ҳамда кутилаётган ўлчамдаги дивидент ва қўшимча фойда ҳажмига боғлиқ бўлади. У фоиз ставкалари ўзгариш rischi, умумбозор нархлари ўзгариши riskини ва инфляция riskини бирлаштиради.

Тизимсиз risk бозорнинг ҳолатига боғлиқ бўлмай аниқ бир корхона, банкнинг хусусияти ҳисобланади. У тармоқли ва молиявий бўлиши мумкин. Портфел тизимсиз riskнинг даражасига қуйидаги омиллар таъсир этади:

- молиявий ресурсларни қўйиш учун муқобил соҳаларнинг мавжудлиги;
- товар ва фонд бозорларининг конъюктураси ва бошқалар.

Пассив операциялар riskлари асосан, актив операцияларни ресурслар билан таъминлашда келиб чиқадиган қийин муаммолар билан боғлиқ. Банк айнан пассив операциялар ёрдамида банкнинг актив операцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларни жалб қилади. Тижорат банкларининг пассив операцияларига устав капиталини шакллантириш (ошириш) учун фойдадан чегирмалар ажратиш, бошқа юридик шахслардан олинган кредитлар ва депозитлар киради.

Балансдан ташқари операциялар рисклари мижозларнинг мажбуриятлари юзасидан берилган кафолатлар бўйича тўлаш зарурати юзага келиши эҳтимоли билан боғлиқ.

Актив ва пасивларни бошқариш сифати билан боғлиқ рискларга тўловга лаёқатсизлик (ёки банкротлик) rischi, балансланмаган ликвидлик rischi, фоиз rischi, фойда ола билмаслик rischi, суистеъмол этишликлар rischi ва бошқалар киради.

Банкротлик rischi ўз капитали ва ресурсларини йўқотиш оқибатида ўз мажбуриятлари бўйича тўловга лаёқатсиз бўли шва фаолиятни тўхтатиш билан боғлиқ рискдир.

Балансланмаган ликвидлик rischi актив ва пасив операцияларининг ликвидлик рискларини ўз ичига олади. У эса банкнинг ресурс сифатида жалб қилинган маблағлари билан кредитга берган маблағлари миқдори, муддати, фоиз ставкасининг даражаси бўйича мос келмаслиги сабабли юзага келади.

Фоиз rischi бозорда фоиз ставкаларини ўзгариши натижасида ва маржа курсининг қиймати кутилмаган ҳолатда нолга тенг бўлиши ёки манфий қийматга тенг бўлиш ҳолатида вужудга келади.

Фойда ола билмаслик rischi банк ресурсларини йўқотиши, улардан самарали фойдалана олмаслигини ифодалайди.

Суистеъмол rischi банк бошқаруви ёки раҳбарияти, ходимлари томонидан банк фаолияти тамойилларига зид молиявий қарорлар қабул қилинганда вужудга келади.

Молиявий хизматларни амалга ошириш билан боғлиқ рисклар операцион, технологик, инновациялар, ҳавфсизлик ва рискларини ўз ичига олади.

Операцион ва технологик рискларга банк техника ва технологиясида учраб турадиган (узилиш) ахборотларни йўқотишлар (компьютер тизимидаги йўқотишлар, ҳужжатларни йўқотиш, компьютер тамагирлиги, банк ходимлари фаолиятида хатоларга йўл қўйиш ва бошқалар) киради.

Инновация rischi маълум бир сабаблар туфайли банкнинг инновацияга йўлланган маблағлари мўлжалланган самарани бермаса, ёки йўқотилган бўлса юзага келади.

Банк ҳавфсизлиги rischi – бу банк биноси, унда мавжуд ахборот, компьютер тармоқларининг ҳавфсизлиги билан белгиланади.

Банк riskлари мижозларининг таркибига кўра мижозларининг соҳавий тегишлилигига, мижозлар юридик шахсларнинг яхлитланган даражасига ва мижозларнинг у ёки бу мулкчилик шаклига тегишлилигига боғлиқ.

Riskнинг асосий турлари бир–бири билан боғлиқ ва амалиётда уларни ажратиш кўпинча мураккабдир.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида банклар фаолиятида riskларни ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш юзасидан зарур ахборотни жуда катта ҳажмда қабул қилиб уларни математик моделлаштириш, омилли таҳлил қилиш ва оптимал қарор қабул қилиш борасида келажакда қуйидагиларга эътибор кучайтирилса аҳамиятга молик бўлади:

- Банк riskларининг ретроспектив таҳлилида хорижий давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш (айниқса, бу борада Европа давлатлари жуда катта тажрибага эга);
- Жорий операцияларда банк riskларини тўғри баҳоловчи, ахборот технологиялари ва валюта пул-кредит муносабатлари соҳасини мукамал тушунувчи салоҳиятли кадрлар малакасини ошириш ҳамда уларни самарали ишлашига эътибор бериш;
- Перспектив riskларни баҳолашда замонавий банк тизими услубиётларига таяниш.

3. Активлар билан боғлиқ рисклар ва уларни бошқариш.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари операцияларини шартли равишда 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

- ўз капиталини шакллантириш ва маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ пассив операциялар;
- фойда олиш мақсадида ўз маблағи ва жалб қилинган маблағларни жойлаштириш билан боғлиқ актив операциялар;
- комисион воситачилик ва ишонч операциялари.

Актив операциялар – банк томонидан фойда олиш мақсадида ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларни самарали жойлаштиришдир. Банклар актив операцияларни амалга ошириш чоғида белгиланган ликвидлик меъёрларига амал қилиши ва айрим тур активлар бўйича рискларнинг мақсадга мувофиқ тақсимланишини таъминлаши зарур бўлади.

Банкнинг актив операцияларини 4 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Кредит операциялари. Бунинг натижасида кредит портфели шаклланади.
2. Инвестиция операциялари. Бунинг натижасида инвестиция портфели шаклланади.
3. Касса ва ҳисоб-китоб операциялари. Бу орқали банк ўз миждозларига асосий хизмат турларини кўрсатади.
4. Бошқа актив операциялари. Мазкур операциялар банк фаолиятини самарали амалга оширишга тегишли инфратузилма яратиш билан боғлиқ операциялардир.

Бозор иқтисодиёти шароитида банклар учун актив операцияларни ва улар билан боғлиқ рискларни бошқариш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳар қандай банк молиявий бозорнинг юқори даражада ривожланиши билан иқтисодий барқарорлик шароитида ҳам маълум жиддий қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келади. Лекин инфляция даражаси юқори ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу ташқи омиллар тижорат

банклари молиявий аҳволига таъсир қилиб, банк активларини ва улар билан боғлиқ рискларни бошқариш масаласини биринчи даражага қўймоқда.

Тижорат банклари актив операцияларни бошқариш ўз олдига баланс ликвидлилигига риоя қилган ҳолда, банк фойдалилигини таъминлаш сингари икки ягона мақсадни қўяди.

Молиявий жиҳатдан активларни бошқаришнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

- банк ликвидлилигини ошириш;
- банк даромадини ошириш;
- рискларни камайтириш.

Шундай экан, банкнинг актив операциялари таҳлили уларнинг даромадлилиги, риск даражаси ва ликвидлилиги нуқтаи назардан амалга оширилиши керак. Банк баланси ликвидлилигига унинг активлари таркиби таъсир қилади. Яъни жами активлар ичида биринчи даражали ликвид активларнинг ҳиссаси кўп бўлиши банкнинг юқори ликвидлилигидан далолат беради. Шу сабабли, банк активларини уларнинг ликвидлилик даражаларига кўра 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Юқори ликвидликка эга бўлган активлар.
2. Ликвид активлар.
3. Ноликвид активлар.

Юқори ликвидли активларга банк кассаларидаги нақд пуллар, қимматбаҳо тошлар ва металллар, банкнинг корреспондент счётларидаги маблағлари, қимматли қоғозлар, давлат қимматбаҳо қоғозларига сарфланган маблағлар, “Ностро” ҳамда “Востро” счётдаги маблағлар киради.

Ликвид активларга берилган кредитлар, ўз инвестициялари ва бошқа қимматли қоғозлар киради. Ноликвид активларга муддати ўтган ссудалар, муддати ўтган фоизлар, суд аралашуви кўзда тутилган ссудалар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва асосий воситалар киради.

**“Ипотека банк” АТИБ Тошкент шаҳар филиали Амалиёт
бошқармаси активларининг ликвидлилик даражасига кўра
гуруҳланиши¹⁰**

Активлар	01.01.2013		01.01.2014		Фарқи (+,-)	
	минг сўмда	%	минг сўмда	%	минг сўмда	%
Биринчи гуруҳ активлар	1 691 508	15	2 956 389	22	1 264 881	7
Иккинчи гуруҳ активлар	7 910 963	69	9 634 265	71	1 723 302	2
Учинчи гуруҳ активлар	1 873 410	16	991 148	7	-882 262	-9
Жами	11 475 880	100	13 581 802	100	2105922	

Ликвидлик даражаси бўйича иккинчи гуруҳ активлар асосий ўринни эгаллайди ва уларнинг салмоғи 71% ни ташкил қилиб уларнинг миқдори 2%га ўсган бўлса, учинчи гуруҳ активлар 7% ни ташкил қилиб йил давомида 9%га камайган. Шу билан бирга биринчи гуруҳ активларининг миқдори 1.01.2007 йилда 1.01.2006 йилга нисбатан 7% га ортган (1-жадвалга қаранг).

Ликвид активлар қуйидаги 3 та ўзига хос хусусиятга эга бўлиши керак:

- Банк активлари тез пулга айланиши учун улар ўз бозорларига эга бўлиши керак;
- Етарли даражада барқарор нархга эга бўлиши керак, яъни бозор барча сотилаётган активлар нархларини сезиларсиз даражада пасайтирган ҳолда қабул қилиш қобилиятига эга бўлиши керак;
- Активлар қайтадиган бўлиши керак, яъни сотувчи дастлабки инвестицияларини йўқотишларсиз ёки минимал риск билан қоплай олиш имкониятига эга бўлиши керак.

¹⁰ “Ипотека банк” АТИБ Тошкент шаҳар филиали Амалиёт бошқармасининг 2012-2013 йиллардаги ҳисобот маълумотлари.

Банк активларининг ликвидлилик даражаси уларнинг рисклилик даражасига боғлиқ бўлади. Яъни банк балансида юқори рискли активлар хиссаси қанча кўп бўлса, талаб қилинадиган ликвидлилик шунча паст бўлади.

Тижорат банклари капиталининг етарлилигини аниқлашда банкларнинг рискли активлари миқдори ва уларнинг сифати муҳим аҳамиятга эга. Тижорат банклари капиталининг етарлилигини аниқлашда асосан иккита кўрсаткич асосий мезон ҳисобланади. Биринчиси, тижорат банклари умумий капиталининг етарлилик даражаси. Иккинчиси, тижорат банклари асосий капиталининг етарлилиги. Ушбу кўрсаткичлар тижорат банклари капиталининг рискли активлари салмоғига нисбатан аниқланади.

Тижорат банклари капиталининг етарлилигини аниқлашда рискли активлар миқдорининг амалиётга жорий этилиши биринчи марта 1988 йилда Халқаро Базел Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилди ва 1993 йилдан бошлаб амалиётга жорий этилди. Унга кўра, тижорат банкларининг активлари тўртта, яъни: 0 фоиз, 20 фоиз, 50 фоиз ва 100 фоиз риск даражаларига ажратилади. Тижорат банклари умумий капиталининг етарлилик даражаси эса 0,04 миқдорида белгиланган. Шуниси характерлики, республикамиз Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган рискли банк активлари услубиёти билан халқаро Базел қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган услубиёт ўртасида жиддий фарқлар мавжуд эмас. Масалан, Базел қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган услубиётда банкларнинг рисксиз, яъни 0 фоиз рискка эга бўлган активлари таркибига 6 та актив киритилган:

А) банкнинг айланма кассасидаги нақд пуллар;

Б) банкнинг Марказий банкдаги “Ностро” вакиллик ҳисобварағининг қолдиғи;

В) ҳукумат ва МБ томонидан 90 кунгача чиқарилган қимматли қоғозлар;

Г) иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ташкилотига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳукуматлари ва марказий банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлари;

Д) Иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ташкилотига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳукуматлари ва марказий банкларига нисбатан талаблар ва бу давлатларнинг нақд валюталари билан таъминланган активлар;

Е) Марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталар.

Республикамиз Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган услубиётига кўра ҳам активларни рисклик даражасига кўра 4 гуруҳга, яъни, 0, 20, 50 ва 100%лига ажратиш мумкин¹¹:

1-гуруҳ – рискдан ҳоли бўлган активлар.

2-гуруҳ – минимал (кичик) даражадаги рискка эга бўлган активлар.

3-гуруҳ – юқори рискли активлар.

4-гуруҳ – энг юқори даражадаги (максимал) рискли активлар. Шу сабабли активларни рисклик даражасига кўра 4 гуруҳга ажратиш мумкин:

Рискдан ҳоли бўлган активларга нақд пуллар ва бошқа касса ҳужжатлари, МБ даги “Ностро” ҳамда “Востро” счётадаги маблағлар, мажбурий заҳира ҳисоб варағидаги маблағлар, хазина векселлари, давлат облигациялари, МБ нинг қимматли қоғозлари ва облигациялари.

Минимал (кичик) даражадаги рискка эга бўлган активларга бошқа банларнинг “Ностро” ҳамда “Востро” корсчётларидаги олиними лозим бўлган маблағлар, еврооблигациялар, қисқа муддатли биринчи синф таъминлаганликка эга бўлган кредитлар ва бошқа ҳужжатлар кирази. Бу активлар бўйича риск даражаси 20% га тенг.

Юқори рискли активларга бошқа банкларга берилган кредитлар, бошқалар учун банк берган гаров ва кафолатлар кирази. Бу активлар бўйича риск 50% га тенг.

Энг юқори даражадаги (максимал) рискли активларга қимматли қоғозлар сотиш ва сотиб олиш счёти, сотиб олинган векселлар, траст ҳужжатлар ва аккредитивлар тратталари бўйича мижозларнинг мажбуриятлари, банкнинг тўланмаган акциялари бўйича мижозларнинг

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1999 йил 11 февралдаги 632-сонли «Тижорат банклари томонидан активлар сифатини таснифлаш, улар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган заҳираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш Тартиби».

мажбуриятлари, суд жараёнида бўлган кредитлар, аккредитивлар, форвард, банк ва банклараро сотиш ва сотиб олиш киради. Булар бўйича риск даражаси максимал бўлиб, у 100 % ни ташкил этади.

Ушбу гуруҳларга бўлиш натижасида банк активларининг маълум бир қисмини рискли активлар, яъни рискка тортилган активлар деб тан олишимиз мумкин. Рискка тортилган активлар миқдорига қараб банк активлари сифатига баҳо бериш мумкин. Банк активларининг даромадлилиги таҳлиliga келсак, активлар ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активларга бўлинади. Банкка даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активларни таҳлил қилиш улар таркибини ўзгартириб туриш кераклиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради.

Даромад келтирувчи активларга барча ишлаётган активлар, яъни барча берилган кредитлар, инвестициялар, хазина векселлари, давлат облигациялари ва қимматли қоғозлар киради.

2-жадвал

“Ипотека банк” АТИБ Тошкент шаҳар филиали Амалиёт бошқармаси активларининг даромад келтиришига кўра гуруҳланиши¹²

Активлар	01.01.2013		01.01.2014		Фарқи (+,-)	
	минг сўмда	%	минг сўмда	%	минг сўмда	%
Даромад келтирувчи активлар	9 183 222	62	10 030 304	73	847 082	5
Даромад келтирмайдиган активлар	5 632 334	38	3 761 674	27	- 1 870 659	-11

Даромад келтирмайдиган активларга пул активлари гуруҳи, асосий воситалар, капитал харажатлар, барча моддий активлар ва бошқа активлар ҳамда номоддий активлар киради.

¹² “Ипотека банк” АТИБ Тошкент шаҳар филиали Амалиёт бошқармасининг 2012-2013 йиллардаги ҳисобот маълумотлари.

Бу гуруҳда пул маблағидан ташқари барча активлар ҳам ликвид активларга киради.

Даромад келтирмайдиган активларга банк фаолиятида катта эътибор берилиши лозим. Чунки бу гуруҳда банкнинг барча активларининг сифатини пасайтирувчи активлар, муддати кечиктирилган, фоизлар тўланмаган ижара ва бошқалар бўлиши мумкин (2-жадвалга қаранг).

Даромад келтирмайдиган активлар 2006 йилда 2005 йилга нисбатан 11%га камайган. Даромад келтирувчи активлар эса 2006 йилда 2005 йилга нисбатан 5%га кўпайган. Ушбу ҳолат банкда кредит операцияларини кўпайиши ва даромад келтирмайдиган активларнинг қисқартирилиши борасида ишлар олиб борилганлигидан далолат беради. Тижорат банкларининг асосий даромад келтирувчи операциялари бу кредит операцияларидир. Шу сабабли банк кредит операциялари бўйича оладиган даромади ва у бўйича риск даражасини аниқлаши лозим. Активларнинг таркиби бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, кредитлар барча активларнинг 2005 йилда 75.20 фоизини ташкил этган. 2006 йилда эса банкнинг кредитлаш соҳаси камайганлиги сабабли ушбу кўрсаткич 2.9 фоизга пасайган ва барча активларнинг 72.3 фоизини ташкил этган (3-жадвалга қаранг).

Банк ушбу кредитлари бўйича ўртача рискни аниқлаб бу бўйича резерв ташкил қилиш тўғрисида ҳам ўйлаши керак бўлади. Агар банкнинг фойдаси юқори бўлса, резервни ҳам кўпроқ ташкил қилиш икониёти бўлади. Шунинг учун ҳам риск бўйича ўртача кўрсаткич олиниб, шу кўрсаткичга қараб резерв ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Банклар кредит беришда авваломбор ўз капиталига тўғри келиши мумкин бўлган фоиз ставкасини ҳисоблаб чиқишлари лозим.

Чунки банк капиталига тўғри келувчи фоиз ёки фойда меъёри банк ликвидлигини таъминлашнинг асоси ҳисобланади. Банк капиталига тўғри келувчи фоиз ставкасини ҳисоблашда банк қанча суммада ўз акционерларига дивиденд тўлаш мажбуриятини олганини инобатга олиши лозим. Тижорат банкларининг қимматбаҳо қоғозлар билан бўладиган операциялари ҳам

даромад келтирувчи операциялардан биридир. Лекин кўрилаётган банк активларининг таркибида ушбу операциялармавжуд эмаслиги бу соҳада корхона ва ташкилотларни молиявий ҳолатини яхшилаш учун бир қатор ишлар олиб бориш лозимлигидан далолатдир.

3-жадвал.

**“Ипотека банк” АТИБ Тошкент шаҳар филиали Амалиёт
бошқармаси активларининг таркиби¹³**

№	Активлар номи	01.01.2013		01.01.2014		Фарқи	
		минг сўмда	фоизда	минг сўмда	Фоизда	минг сўмда	Фоизда
11.	Касса	1 627 268	13,5	2 436 522	17,7	809 254	4,2
22.	ВХР	64 240	0,5	280 817	2,0	216 577	1,5
33.	Дебиторлар	1 654	0,0	0	0,0	-1 654	0,0
44.	Берилган кредитлар	9 084 666	75,2	9 949 042	72,3	864 377	-2,9
55.	Қимматбаҳо қоғозлар	0	0,0	0	0,0	0	0,0
66.	Асосий воситалар	588 217	4,9	577 815	4,2	-10 402	-0,7
77.	Бошқа активлар	708 507	5,9	508 288	3,7	-200 219	-2,2
	Жами	12 074 551	100	13 752 484	100	1697733	-

Кредит тавваккалчилиги нафақат кредит объектига, балки кредит субъектига янгича ёндашиши орқали ҳам ўсиб боради. Банк бўлими кредит портфелини займларнинг сифати бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 2005 йилда кредитларнинг 1 580 минг сўми субстандарт кредит бўлиб, унга 25%, яъни 395 минг сўм миқдорда заҳира ташкил қилинган. 2006 йил охирида эса кредит портфели сифатини яхшилашга эришилган. Кредит портфелининг сифатини

¹³ “Ипотека банк” АТИБ Тошкент шаҳар филиали Амалиёт бошқармасининг 2012-2013 йиллардаги ҳисобот маълумотлари.

яхшилаш учун кредит берилган пайдан бошлаб мониторинг ишларини кучайтириш лозим.

Шунинг учун ҳам ҳар бир тижорат банки ўз активларини жойлаштиришни ва уни бошқариш усуллари ўзи ишлаб чиқмоғи зарур. Маълумки, тижорат банклари активларининг қиймати ва улардан олинadиган фойда ўзгариб туриши мумкин. Ушбу масалани активларни тўғри диверсификация қилиш йўли билан ҳал қилиш мумкин. Чунки баъзи бир активлар бўйича улар қийматини пасайиши бошқа активлар қийматини ўсиши билан қопланиши ва натижада банк активларининг умумий қийматларини сақлаб қолиши имкониятига эга бўлиши мумкин.

4-жадвал

“Ипотека банк” АТИБ Тошкент шаҳар филиали Амалиёт бошқармаси кредит портфелининг сифати бўйича таҳлили¹⁴

(минг сўмда)

Кредит сифати бўйича	01.01.2013 й.	01.01.2014 й.
Яхши	9 083 086	9 949 042
Стандарт	0	0
Субстандарт	1 580	0
Шубҳали	0	0
Ишончсиз	0	0

Банк активларининг қийматини ва улардан келадиган даромадларни тўғри ҳисоб-китоб қилиб режалаштириш банк фаолиятининг самарадорлигига олиб келиши, активлар қийматини нотўғри ҳисоблаш, уларни жойлаштириш банкнинг молиявий аҳволида қийинчиликлар туғдириш мумкин. Шу сабабли биз Германия банк тизимида активларни бошқариш усулларида фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятида унинг

¹⁴ “Ипотека банк” АТИБ Тошкент шаҳар филиали Амалиёт бошқармасининг 2012-2013 йиллардаги ҳисобот маълумотлари.

активларининг етакчи қисми бўлган кредит операциялари бўйича уларнинг самарадорлигини, берилган кредитнинг баҳосини аниқлаш усулини ишлаб чиқишни мақсад қилиб қуйдик. Хозирги кунда республикамизнинг аксарият тижорат банклари томонидан кредитлар беришда шу кредитнинг баҳоси қанча эканлиги банклар томонидан ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмайди. Тижорат банклари томонидан кредитлар учун қўйиладиган баҳо – ҳозирги кунда қуйидаги элементдан ташкил топган: Ўзбекистон Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасига асосланган ҳолда қўшимча ҳисоб-китобларсиз банклар кредитнинг баҳосини белгилайдилар.

Бозор иқтисодиёти юксак ривожланган давлатларда кредитнинг баҳосини белгилашда кредитнинг бозор баҳоси асос қилиб олинади. Кредитнинг мижозга бериладиган баҳосини ҳисоблаш бир неча босқичлардан иборат бўлади ва тижорат банклари томонидан бу кўрсаткич чуқур таҳлил қилиб чиқилади. Кредитнинг баҳосини аниқлашдан асосий мақсад банк томонидан берилган кредитнинг самарадорлигига эришган ҳолда, фойда олиш ва банк ликвидлигини таъминлашга эришишдан иборатдир. Бу натижа эса банк рискларини олдини олишга имкон яратиши мумкин.

Тижорат банкларининг фаолиятини таҳлил қилиш ва активлар баҳосини белгилашнинг асоси бўлиб, унинг баланси ҳисобланади. Баланс асосида тижорат банкларининг фаолиятини таҳлил қилишда бир марта бўладиган харажатлар ёки даромадларни алоҳида ҳисобга олган маъқул деб ҳисобланади. Чунки, бу бир марталик бўладиган тушум ёки харажат тижорат банки фаолиятининг олиб борилиши ёки унинг ликвидлиги, самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатмаслиги мумкин.

4. Ўзбекистон тижорат банкларида рисклар ва уларни камайтириш йўллари.

Банк ўз фаолиятида мавжуд таваккалчиликни аниқлаши, уни қабул қилиши, уни кузатиб бориши ва уни бошқариш қобилиятига тайёр эканлигини

Ўз зиммасига олиши лозим. Бунинг учун банк раҳбарияти ўз фаолияти, банк иши жараёнлари бўйича тўлиқ билимга эга бўлиши лозим. Банк таваккалчиликларини бошқаришда маълум тамойилларга риоя қилиш катта аҳамиятга эгадир.

Банк таваккалчиликларини бошқаришнинг асоси қилиб қуйидаги тамойиллар олиниши керак:

- Ўз капиталидан ортиқ суммага таваккалчилик қилмаслиги;
- Таваккалчиликнинг оқибатлари тўғрисида ўйлаши, зарарларни қоплаш манбаларини прогнозлаштириш, уларни сифат жиҳатидан ўлчаш лозимлиги;
- Таваккалчиликларни молиялаштириш, уларни камайтиришни рағбатлантириш;
- Кам даромад олиш имкониятида юқори таваккалчилик қилишига интилмаслиги;
- Банкнинг барча бўлимларида таваккалчиликларни назорат қилиш.

Бу тамойилларга асосан банк ўзида мавжуд ресурслар атрофида таваккалчилик қилиши, таваккалчилик қилиши уни зарарларга олиб келмаслигини ва фаолият натижасини ўлчай олиши лозим.

Таваккалчиликларни бошқаришнинг асосий усуллари қуйидагилар:

- ✓ ташқи таваккалчиликларни ҳисобга олиш (тармоқ, минтақавий ва бошқа соҳалар);
- ✓ банк мижозининг молиявий аҳволини мунтазам назорат қилиб бориш, тўловга лаёқатлилик кўрсаткичлари, рейтингини аниқлаш ва бошқалар;
- ✓ таваккалчиликларни тақсимлаш йўлини қўллаш, кредитни қайта молиялаштириш;
- ✓ кредит портфелини диверсификациясини амалга ошириш;
- ✓ йирик кредитларни фақат консорционал асосда (банклараро битимларга асосан таваккалчиликларни тақсимлаш) бериш;
- ✓ ўзгарувчан (сузиб юрувчи) фоиз ставкалари асосида кредит бериш;

депозит сертификатларини жорий қилиш ёки киритиш;

- ✓ банкларнинг ҳисобга олиш операцияларини кенгайтириш;
- ✓ кредитларни ва депозитларни суғурталаш;
- ✓ гаров асосида кредитлашни кенгайтириш;
- ✓ реал шахсий гарантиялар асосида кредитлашни қўллаш.

Агар таваккалчиликларни олдини олишнинг тўлиқ имконияти бўлмаса, у ҳолда охириги манба — бу таваккалчиликни бошқариш усули, яъни таваккалчиликни қоплаш ҳисобланади.

Таваккалчиликни қоплаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- банклар томонидан умумий ва махсус резерв фондларни ташкил қилиш;
- кредит бўйича фоизлар белгилашни тўхтатиш ва бошқалар.

Таваккалчиликларни бошқариш даромад билан таваккалчилик уртасидаги оптимал нисбатни топиш, мавжуд таваккалчиликни минималлаштиришни ўз ичига олади.

Банклар амалиётида энг кенг тарқалган, кредит таваккалчилигини пасайтириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Қарздорнинг кредитга бўлган лаёқатлилигини баҳолаш - бу усул баҳолаш мезонлари ҳар бир банк учун қаттиқ, индивидуаллашган бўлиб, унинг амалиётидаги мавқеидан келиб чиқиши ва вақти-вақти билан - қайта кўриб чиқилиши лозим.

2. Бир қарздорга бериладиган кредитнинг ҳажмини камайтириш - бу усул мижознинг кредитга лаёқатлилигига тўлиқ амин бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

3.Кредитларни суғурталаш -бу усул кредит қайтмаслик таваккалчилигини тўлиқ суғурталаш билан шуғулланувчи ташкилот зиммасига юкланишини кўзда тутди. Бунда суғурта тўловлари кредит оловчи томонидан тўланади.

4.Етарли таъминланишни талаб қилиш - бунда банкдан берилган кредитнинг қайтишини ва фоизни олинишини кафолатлайди, яъни кредит

таваккалчиликдан ҳимояланишда зарарни қоплаш учун мўлжалланган етарли таъминотни жалб қилишга эмас, балки зарарга йўл қўймаслик учун миқдори кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишга қаратади.

5.Дисконтли ссудалар бериш — бу усул унчалик катта бўлмаган даражада кредит таваккалчилигини пасайтиришга ёрдам беради. Бунда кредит бериш кредитга минимум тўлов олишни таъминлайди.

Банкларда *фоиз таваккалчилиги* қуйидаги усуллар ёрдамида пасайтирилиши мумкин:

*1.Фоиз таваккалчилигини қуйи бўғинидаги тегишли суғурта таъминоти*га ўтказиш йўли билан суғурталаш.

2.Кредитларни суғувчи фоиз ставкасида бериш. Бу банкка берилган кредитларнинг фоиз ставкасига бозордаги фоиз ставкаларининг тебраниши ҳисобга олиб тегишли ўзгаришлар киритишга имкон беради.

3.Муддатли келишувлар. Миқдор ва банк ўртасидан белгиланган ҳажм ва ўрнатилган фоизда, маълум бир келишилган кунда ссуда билан таъминлаш тўғрисида махсус форвард битими имзоланади. Бунда паст тўлов эвазига кредит олган миқдор ютади.

4.Фоизли фьючерс контрактлари. Фоиз фьючерслари бозор фоиз ставкаларининг тебранишидаги спекуляциялар ҳамда фоиз таваккалчилигини қоплаш учун қўлланилади.

5.Фоиз опционлари. Бунда опцион эгасига қатъий ўрнатилган баҳода келгусида белгиланган кунда ёки унча қисқа муддатли депозит ёки ссудани сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқини берувчи келишуви.

6.Фоиз своплари. Битта суммага, лекин турли шартларда тузилган кредит мажбуриятлари бўйича банклар ўртасида бўладиган фоиз тўловлари алмашинуви фоиз своплари дейилади.

Бозор таваккалчилиги қуйидаги воситалар орқали пасайтирилиши мумкин:

*1. Қимматли қозғалар олди-сотдиси*га тузилган фьючерс контрактлари.

Улар контракт эгаларига олдиндан ўрнатилган курс бўйича қимматли қоғозларни сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқини беради.

2. Фонд опционлари. Бунда акцияларни ёки бошқа қимматли қоғозларни келишилган муддат мобайнида сотиш ёки харид қилиш ҳуқуқини беради (агар улар фонд биржасида айланаётган бўлса).

3. Инвестиция портфелининг диверсификацияси. Қимматли қоғозларни кадрсизланишдан ҳимоя қилишнинг энг муҳим воситаси банк инвестиция портфелини диверсификация қилишдир.

Валюта таваккалчилигини пасайтириш учун қуйидаги усуллардан фойдаланиш қўл келиши мумкин:

1. Кредит шартномасида ўрнатилган форвард курсини ҳисобга олиб бошқа валютада қайтариш шарти билан бирор бир валютада ссуда бериш. Бунда банкни кредит валютаси курсининг пасайиши эҳтимоллигидан ҳимоя қилади.

2. Форвард валюта контрактлари. Бундай операциялар битим суммасини ва форвард алмашув курсини шартномада қатъий урнатиб хорижий валютани олди-сотдиси бўйича банк ва мижоз ўртасида муддатли келишув имзоланишини кўзда тутди.

3. Валютавий фьючерс контрактлар. Бунда маълум бир миқдордаги хорижий валютани келгусида аниқ бир кунда сотиш ёки сотиб олиш келишувини ўзида акс эттиради.

4. Валюта опционлари.

а. Валюта своплари. Валюта свопи икки томон ўртасида турли валюталардаги тўловларнинг алмашиниши ҳақидаги келишувдир.

б. Валюта таваккалчилигини суғурталаш. Бунда банкларнинг ўз фаолиятлари жараёнида дуч келадиган турли хилдаги таваккалчиликларни пасайтириш усуллари бўйича тадбирларнинг ишлаб чиқиши таваккалчилик соҳасида банк стратегиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Банкнинг кредит портфелини диверсификация қилиш йўли билан кредит портфелини бошқариш банк стратегик режалаштириш жараёни билан узлуксиз боғлиқ.

Диверсификациянинг муҳим хусусиятлари шундаки:

- диверсификация ҳамма вақт таваккалчиликни ёқтирмайдиган банклар учун қулай келади. Чунки у таваккалчиликни камайтиради, кредит бўйича фойда ҳаракати қанча кам мос келса, таваккалчиликни камайтириш ҳисобига диверсификациядан шунча кўп наф кўриш мумкин.

Диверсификацияланган портфель - бу таваккалчилик жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлмаган кичик кредитлар тўпламини ўзида мужассамлаштиради.

Масалан: тижорат банкининг кредит портфели учта бир хил товар ишлаб чиқарувчи саноат концернига берилган кредитлардан ташкил топган бўлса, бу яхши диверсификация қилинган кредит портфель дейилмайди. Бу портфелда биринчидан, кредитлар сони йирик, иккинчидан, бу корхоналарга берилган кредитлар бўйича таваккалчиликлар уларнинг бир-бирига алоқадор бўлиб, улар оладиган фойдаси ишлаб чиқарадиган маҳсулотнинг қийматига боғлиқ бўлади.

Агар кредит портфел ўн бешдан ортиқ мижозга берилган йигирмадан ортиқ кредитдан ташкил топган бўлса, бундай портфел яхши диверсификация қилинган портфел дейилади. Диверсификация талаб даражасида бўлиши учун қуйидаги шартлар бажарилиши лозим:

- 1) портфель кўп сонли нисбатан майда кредитлардан ташкил топиши;
- 2) кредитлар таваккалчилик жиҳатидан бир-бирига боғлиқ бўлмаслиги, яъни бирор бир кредит бўйича тўлай олмаслик эҳтимоли бошқа кредит бўйича тўлай олмаслик эҳтимоли билан боғлиқ бўлмаслиги керак.

Диверсификация ёрдамида кредит портфелининг умумий таваккалчилик даражасини камайтиришга эришиш мумкин. Баъзида алоҳида олинган кредит бўйича таваккалчилик ўзгармаган ҳолда ҳақиқий олинадиган даромад кутилаётган даромадга тенглашиши мумкин.

Диверсификация мижоз томонидан фоиз ставкасига қўшиб тўланадиган таваккалчилик бўйича мукофот суммасини қисқартириши ёки умуман ҳисобга олмасликка шароит яратиши мумкин (агар банк менежери уни инобатга олган бўлса).

Тижорат банкларининг маълум соҳалар бўйича ихтисослашуви, шу соҳалар бўйича анъанавий кредитлар бериш - диверсификациялаш усулига тўлиқ мос келмаслиги мумкин. Шу сабабли ҳозирги кунда банklar ихтисослашувидан универсаллашга ўтилмоқда.

Жаҳон банк амалиёти шуни кўрсатадики, 80-йилларда кўпгина хорижий банklar ўз кредитларининг асосий қисмини нефт саноатини кредитлашга йўналтирганлар. Шу йилларда аксига олиб нефт баҳосининг тушиб кетиши натижасида кўпгина нефт компаниялари ўз кредитларини тўлай олмасдан банklarни банкротликка олиб келган. Кредит портфелини диверсификация қилиб борган банklar нефтни кредитлаш бўйича кўрган зарарларни, бошқа соҳадан олган фойдаси ҳисобидан қоплаган. Бу ҳол диверсификация сиёсатининг қўлланилмаслиги «муаммоли кредитлар»нинг «муаммоли банklar»га айланишига олиб келган.

Банкнинг кредит сиёсатини ва кредит портфелини таҳлил қилишнинг асосий мақсади - ссуда бўйича асосий қарз ва у бўйича фоизларни ўз вақтида тўлашга эришишдан иборатдир. Агар банк кредитни фақат жуда ишончли мижозга берадиган бўлса, унинг юқори фойда олиши имконияти қисқариши мумкин. Шу билан бирга агар кредитнинг тўлаш бўйича муаммолар юзага келса, бу банкка жуда қимматга тушуши мумкин. Шунинг учун ҳам банкнинг кредит сиёсати эҳтиёткорлик билан банк ресурсларини оқилона жойлаштириши асосида юқори фойда олиш ўртасидаги балансни таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Кредит портфелини диверсификациялаш қарзни тўламаслик таваккалчилигини энг оддий ва арзон усул билан хеджирлашга ёрдам беради ва банкнинг ссуда ва депозитлари кенг мижозлар кўламига бўлиб чиқишни,

ссуда портфелида абсолют миқдор ёки ялпи тутган салмоқни тўғридан-тўғри чеклашни англатади.

Кредит портфелини диверсификациялаш усулидан фойдаланишда кредитларни турли соҳалардаги компанияларга, кичик миқдорда қисқа муддатларга ва кўпроқ миқдорларга беришни афзал кўриши лозим.

Кредитларни таъминланганлиги бўйича диверсификация қилишда таъминлаш асос қилиб олинган объектнинг ликвидлик даражасига эътибор бериш зарур. Кредит таъминотининг ликвидлиги даражаси қанча юқори бўлса, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида қайтиши осон ва тез бўлади. Шу жиҳатдан амалиётда банклар берган кредитлар бўйича уларнинг таъминланганлигига қараб диверсификация қилиш усулини қўллаш кредит рискларини камайишига ва банк фойдасининг ошишига олиб келиши мумкин.

Ссуда таъминоти бўйича диверсификациялаш ўтказишнинг муҳимлиги шундаки, кредитлар биринчи навбатда моддий қийматликлар таъминоти асосида берилса, иккинчи навбатда қимматли қоғозлар гаров бўлиб хизмат қилади, учинчи ҳолда ҳуқуқий қафолат, тўртинчи ҳолда учинчи ҳуқуқий шахс жавобгарликни ўз зиммасига олиш йўли билан берилади.

Диверсификация миқдор томонидан фоиз ставкасига қўшиб тўланадиган таваккалчилик бўйича мукофот суммасини қисқартириши ёки умуман ҳисобга олмасликка шароит яратиши мумкин.

Хулоса

Республикаимиз тижорат банкларининг фаолиятидаги рискларни бошқариш самарадорлигини ошириш борасидаги асосий муаммолар, фикримизча, қуйидагилардан иборат:

1. Республикаимизнинг қатор тижорат банкларида кредит портфелини диверсификациялаш талабига риоя этилмаётганлиги муаммоси.

Республикамизнинг қатор тижорат банкларида кредит портфелини диверсификациялаш талабига риоя этилмаган. Кредитларнинг 40 фоиздан ортиқ қисмини қишлоқ хўжалик тармоққа мансуб бўлган корхоналарда тўпланишига йўл қўйилган. Бу эса, кредит риси муаммосини кескинлашишига олиб келади. Бунинг боиси шундаки, банк кредитларининг асосий қисми жойлаштирилган тармоқда фойда нормасининг пасайиши муддати ўтган кредитлар ҳажмининг кескин ўсишига олиб келади.

2. Тижорат банклари ходимларининг кредит олувчи хўжалик субъектлари молиявий ҳисоботини тўғри ва ҳаққоний таҳлил этиш учун малака ва тажрибасининг етишмаслиги.

Бу шубҳасиз, муаммоли кредитларни ва кредит маблағларини ўз вақтида ундирилмаслик ҳолатини вужудга келтирувчи бош омиллардан биридир. Чунки хўжалик субъектлари билан амалий ишлаш тажрибасига эга бўлмаган банк ходими томонидан тайёрланган кредит йиғма жилди доимо қўшимча назоратни талаб этади. Лекин банкларда хизмат турларининг кўплиги ва энг асосийси, хўжалик субъектлари билан ишлашда амалий тажрибаси бўлмаган ходимларга мураббийлик қилувчи устоз ходимларнинг етишмаслиги натижасида малака ва тажрибасиз ходимлар ҳулосаси асосида молиявий аҳволи ночор бўлган корхоналарга кредит бериш ҳолатлари юзага келмоқда. Чунки, хўжалик субъектлари билан ишлашда малака ва тажрибаси бўлмаган ходимлар кредит олувчининг ҳисоботларини таҳлил этишда кўпроқ компьютерга жойлаштирилган дастурлардан фойдаланадилар.

Бу кўпинча кредит олувчининг молиявий аҳволини тўлиқ ва тўғри баҳолаш имконини бермайди. Мижозлар томонидан кўпинча ўзларининг кредит тўловига лаёқатлилиқ даражасини юқори қилиб кўрсатиш мақсадида ҳисоботлардаги кўрсаткичларни асоссиз ўзгартириб этиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Компютер банк ходимлари ишини анча енгиллаштирди. Лекин компютер инсон меҳнатининг маҳсули эканлигини унутмаслигимиз керак. Чунки компютердаги дастурлардан онгли равишда фойдаланилган тақдирдагина иш унумли бўлади.

3. Банк кредит кўмиталарининг, айрим ҳолларда, ўз ваколати ва вазифасига совуққонлик ва маъсулиятсизлик билан қараши.

Бу омил тижорат банклари кредит бериш механизмининг асосий боғловчи ва муҳим элементиدير. Бошқача қилиб айтганда, айнан кредит кўмитаси кредит бериш жараёнида ҳал қилувчи ролни бажаради. Ўзбекистон Республикаси пул-кредит комиссиясининг 1995 йил 10 июль 1210-76-сонли мажлис баённомасига асосан, республика Марказий банки томонидан тайёрланган «Кредит кўмитаси тўғрисида»ги Низом талабларини ҳозирда тижорат банклари кредит кўмиталари томонидан амалда фақатгина расмийтчилик юзасидангина бажариш ҳоллари ҳамон учраб турмоқда.

Мазкур Низом талабига кўра, кредит кўмиталари унга кредит нозири томонидан тақдим этилган кредит йиғма жилдидаги ҳужжатларни тўла таҳлил этгачгина қарор қабул қилишлари, қарор қабул қилганда ҳам юз фоиз овоз берилгандагина кредит бериш учун қарор қабул қилиниши белгилаб қўйилган.

Афсуски, айрим тижорат банкларида кредит кўмитаси мажлислари ўтказилмай, расмийтчилик учун тузилган баённомаларга имзо қўйиш ҳоллари ҳамда кўмита аъзолари юз фоиз овоз бермаган ҳолларда ҳам кредит бериш юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳоллари ҳамон учрамоқда. Айнан шундай ҳолатлар ҳам муаммоли кредитлар миқдорини янада ошишига олиб келмоқда.

4. Тижорат банклари кредит бўлинмалари ходимлари ўртасида хизмат вазифалари таксимотини тўғри ташкил этилмаганлиги.

Банк муассасалари банклараро рақобатда нафақат ўз ўрнини сақлаб қолиш, балки етакчи банклар қаторидан жой олиш мақсадида шунингдек, мижозлар кўнглига қараш мақсадида, деярли кун бўйи уларга хизмат қилиш тартибини жорий этмоқдалар. Натижада, кун бўйи мижоз топшириғи билан банд бўлган кредит бўлинмаси ходимларини мижозларнинг хўжалик-молиявий фаолиятини таҳлил этиш билан шугулланишга вақт ажратиши кийин кечмоқда. Бу банк учун мижознинг хўжалик-молиявий фаолиятида юз бераётган иқтисодий жараёнлар ҳақида тасаввурга эга бўлмаслик ҳолатини келтириб чиқармоқда. Банкнинг мижоз хўжалик-молиявий фаолиятида юз

бераётган иқтисодий жараёнлар ҳақида тасаввурга эга бўлмай туриб, мижознинг банкнинг кредит маблағи ҳисобига ишлаб чиқарган ёки ишлаб чиқармоқчи бўлган маҳсулотига талаб даражасини ўрганиб чиқмасдан, маҳсулотни ишлаб чиқариш қувватини таҳлил этмай туриб кредит бериши, албатта, муаммоли кредитлар вужудга келишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

5. Мижозлар томонидан тақдим этилаётган бизнес режаларни банклар томонидан етарли даражада таҳлил этилмаётганлиги ҳамда кредит шартномаларини тузишдаги камчиликларнинг мавжудлиги.

Банклар учун кредитни расмийлаштириш жараёнида ҳам, кредит маблағидан фойдаланиш жараёнида ҳам асосий эътиборни қарздор томонидан тузилган бизнес режани таҳлил этиш ва таҳлилни давом эттиришга қаратишлари зарур. Лекин бизнес режаларга кредитор томонидан ҳам, қарз олувчи томонидан ҳам кредит амалиёти учун талаб этиладиган расмий бир ҳужжатдек ёндошилади. Ҳолбуки, айнан бизнес режа мижознинг маблағларидан фойдаланиш стратегиясини белгилаб берувчи муҳим бир ҳужжатдир. Лекин банкларда бизнес режалар кредитни расмийлаштириш давридагина урганиб чиқилади. ўрганилганда ҳам бизнес режадаги охириги натижанинг ижобий эканлиги, яъни мазкур фаолият натижасида олинadиган фойда қисмигина банкларни қизиқтиради. Ваҳоланки, кредит олишни мақсад қилиб олган мижоз албатта фаолият натижасида олинadиган фойда миқдорини шундай даражага етказиб ҳисоблайдики, натижада, банк учун қарздор томонидан кредитни қайтариш хавфи йўқдай туюлади. Шунинг учун ҳам бизнес режалар мижозлар томонидан деярли бир бирига ўхшаш ҳолатда тузилмокда. Муаммоли кредитлар тарихи таҳлил этилганда, аксарият ҳолларда бизнес режаларнинг расмийлаштириш учунгина тузилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳолбуки, банклар томонидан мижознинг кредит маблағидан фойдаланиш жараёнини ўз ичига олган бизнес режаси асосида ҳўжалик фаолиятини доимо таҳлил этиб борилиши кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришнинг гаровидир.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида банклар фаолиятида рискларни ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш юзасидан зарур ахборотни жуда катта ҳажмда қабул қилиб уларни математик моделлаштириш, омилли таҳлил қилиш ва оптимал қарор қабул қилиш борасида келажакда қуйидагиларга эътибор кучайтирилса аҳамиятга молик бўлади:

- Банк рискларининг ретроспектив таҳлилида хорижий давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш (айниқса, бу борада Европа давлатлари жуда катта тажрибага эга);
- Жорий операцияларда банк рискларини тўғри баҳоловчи, ахборот технологиялари ва валюта пул-кредит муносабатлари соҳасини мукамал тушунувчи салоҳиятли кадрлар малакасини ошириш ҳамда уларни самарали ишлашига эътибор бериш;
- Перспектив рискларни баҳолашда замонавий банк тизими услубиётларига таяниш;
- Фоиз рискин камайтиришда хеджинглашнинг усуллари кўллаш;
- Валюта рискларини бошқаришда "Франклин & Грант" компаниясининг Value at Risk (VaR) технологиясидан фойдаланиш;
- Балансланмаган ликвидлик рискин олдини олиш ёки уни минималлаштириш мақсадида ликвидлилиكنинг оптимал даражасини ушлаб туриш;
- банк операцияларини молиялаштириш учун узоқроқ муддатли қимматли қўғозларни ишлатиш.
- банкнинг ликвид активлар ва тез реализация бўладиган активларга йўналтирилган маблағлари улушини кўпайтириш.

Юқоридага таклифларни амалга оширишда мавжуд чора-тадбирлардан унумли фойдаланиб, уларнинг такомиллаштирилиши, мустақил давлатимиз иқтисодий барқарорлигини янада мустаҳкамлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни. - Т.: Шарқ, 1995.
2. Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги. Қонуни. - Т.: Шарқ, 1996.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги Қонуни, 1998 йил 1 май
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида» ги Фармон 2005 йил 15 июнь, «Халқ сўзи» газетаси № 35
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштириш чора – тадбирлари тўғрисида» ги қарори 2005 йил 15 апрель, «Халқ сўзи» газетаси №27.
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 2005 йил 28 майда тасдиқланган 610-сонли Қарори билан тасдиқланган “Очиқ валюта позициясини ўтказиш Қоидаси”
7. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005й.
8. “Ипотека банк” АТИБ Тошкент шаҳар филиали Амалиёт бошқармасининг йиллик ҳисобот маълумотлари.
9. Абдуллаева. Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Т., «Молия», 2003.
10. Балабанов И.Т. Риск-менеджмент.- М.: Финансы и Статистика, 1996.
11. Альгин А.П. Риск и его роль в общественной жизни, - М.Мысль 1989
12. Батракова Л.Г. “Анализ процентной политики коммерческого банка”, Москва “Логос”, 2002.
13. Беляков А.В. Банковские риски: проблемы учета, управления и регулирования. – М.: Издательская группа «БЦД-пресс», 2003.

14. Бланк И.А. «Управление актибанк» М. 2002
15. Грюнинг Х.ван, Брайович Братанович С. “Анализ банковских рисков. Система оценки корпоративного управления финансовым риском”, Пер.с. англ. д.э.н. К.Р. Тагирбекова – М:Из.”Весь мир», 2004г.
16. Лаврушин О.И. Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент). М. Юристь, 2003
17. Обзор Базельского соглашения по капиталу.- Базель: БМР, 2003
18. Интернет сайтлари:
www.cbu.uz
www.microfinance.uz
www.stat.uz